

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ

198 Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
23 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2200-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ–2099-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2011 йил 2 февралдаги 2011-5, 6-сонли қарори (рўйхат рақами 2200, 2011 йил 23 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 7-8-сон, 79-модда) билан тасдиқланган Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 3 апрель,
2014-13-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 3 апрель,
28-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги-
нинг 2014 йил 3 апрелдаги 2014-13,
28-сон қарорига
ИЛОВА

**Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам
меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва
бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 6-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «3» ва «2,998» рақамлари тегишинча «2» ва «2,725» рақамлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгиланган энг кам иш ҳақининг миқдори 96 105 сўмни ташкил этади.»;

олтинчи хатбошидаги «2 683 900 сўмни ташкил қилади ((6 х 2,998 х 49 735) + (6 х 2,998 х 49 735) + (6 х 2,998 х 49 735))» деган сўзлар «4 713 950 сўмни ташкил қилади ((6 х 2,725 х 96 105) + (6 х 2,725 х 96 105) + (6 х 2,725 х 96 105))» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «3 426 000» рақаами «5 364 000» рақаами билан алмаштирилсин.

2. 8-банднинг учинчи хатбошисидаги «2,998» рақаами «2,725» рақаами билан алмаштирилсин.

3. 5-иловада «20,5» ва «79,5» рақамлари тегишинча «19,2» ва «80,8» рақамлари билан алмаштирилсин.

4. 6-иловада:

а) 1-мисолда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1-мисол. Шаҳарда жойлашган мини-маркет бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд:»;

олтинчи хатбошидаги «7» ва «8» рақамлари тегишинча «6» ва «7» рақамлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «8» ва «9» рақамлари тегишинча «7» ва «8» рақамлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «3» ва «2,998» рақамлари тегишинча «2» ва «2,725» рақамлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгиланган энг кам иш ҳақининг миқдори 96 105 сўмни ташкил этади.»;

қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тўловларнинг умумий ставкаси 39% ташкил этади.»;

ўнинчи — ўн бешинчи хатбошилар тегишинча ўн биринчи — ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгиланган формулага мувофиқ ($M\Phi_{\min} = XС \times T_{\kappa} \times И\mathcal{Э}КМ$) минимал бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри = $8 \times 2,725 \times 96\ 105 =$ ойига 2 095 089 сўмни ташкил қилади. Чорак учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри суммаси 6 285 267 сўмни ташкил қилади.»;

ўн иккинчи хатбошидаги «2 818 095» рақами «5 625 105» рақами билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҚБ = $6\ 285\ 267 - 5\ 625\ 105 = 660\ 162$ сўм.»;

ўн олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҚХ = $660\ 162 \times 39\% = 257\ 463$ сўм.»;

б) 2-мисолда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2-мисол. Тошкент шаҳрида жойлашган кафе (бар мавжуд эмас) бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд:»;

жадвал қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 1 столга (4 ўринга мўлжалланган стандарт стол) хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган хизмат кўрсатувчи ходимлар (официантларни ўз ичига олган ҳолда) сони	Ошпазлар	Тарқатишда хизмат қиладиган ходимлар	Ошхона ходимлари
0,25	2	-	1

»;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шундай қилиб, мазкур кафе бўйича асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри = $0,25 \times 15 + 2 + 1 = 7$ ходимни ташкил қилади.»;

тўққизинчи хатбошидаги «10» ва «12» рақамлари тегишинча «7» ва «9» рақамлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги «4» ва «3,297» рақамлари тегишинча «3» ва «2,998» рақамлари билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгиланган энг кам иш ҳақининг миқдори 96 105 сўмни ташкил этади.»;

қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тўловларнинг умумий ставкаси 39% ташкил этади.»;

ўн иккинчи — ўн еттинчи хатбошилар тегишинча ўн учинчи — ўн саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгиланган формулага мувофиқ ($M\Phi_{\min} = XС \times T_{\kappa} \times И\mathcal{Э}КМ$) мазкур кафе бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри = $9 \times 2,998 \times 96\ 105 =$ ойига 2 593 105 сўмни ташкил қилади. Чорак учун меҳ-

натга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри суммаси 7 779 315 сўмни ташкил қилади.»;

ўн тўртинчи хатбошидаги «4 722 516» рақами «6 795 010» рақами билан алмаштирилсин;

ўн олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҚБ = 7 779 315 – 6 795 010 = 984 305 сўм.»;

ўн саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҚХ = 984 305 х 39% = 383 879 сўм.»;

в) 3-мисолда:

бешинчи хатбошидаги «9,8» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгиланган энг кам иш ҳақининг миқдори 96 105 сўмни ташкил этади.»;

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тўловларнинг умумий ставкаси 39% ташкил этади.»;

саккизинчи — ўн тўртинчи хатбошилар тегишинча тўққизинчи — ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгиланган формулага мувофиқ ($M\dot{X}T\Phi_{\min} = X_{\text{норм}} (БПХС_{\text{норм}}) \times T_{\text{к}} \times K_{\text{т}} \times ИХЭКМ$) қурувчи ишчиларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри ($M\dot{X}T\Phi_{\min}$) = 10 х 3,297 х 1,15 х 96 105 = 3 643 869 сўмни ташкил қилади.»;

ўнинчи хатбошидаги «1 848 013» ва «5 544 039» рақамлари тегишинча «3 643 869», ва «10 931 607» рақамлари билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбошидаги «4 712 433 сўмни» деган сўзлар «9 975 809 сўмни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҚБ = 10 931 607 – 9 975 809 = 955 798 сўм.»;

ўн бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҚХ = 955 798 х 39% = 372 761 сўм.».